

Қўшниларга яхшилик қилинг!



15:22 / 15.03.2024 16271

«Қўшни» деганда уйи-маскани, боғи ёки дўкони яқин кишилар кўзда тутилади. Яъни, ҳовли қўшни, боғ қўшни ва дўкон қўшни ҳамда бошқа ҳолатлар бўлиши мумкин.

Ислонда ижтимоий алоқалар ҳақида сўз кетганда, қўшничилик алоқаларига катта аҳамият берилади. Ушбу алоқаларни гўзал тарзда олиб бориш ҳақидаги таълимотлар тақдим этилади. Бу таълимотлар эса Ислоннинг ижтимоий алоқаларни иймон ва гўзал ахлоқ асосида олиб боришга берган аҳамиятидан келиб чиқади.

Аллоҳ таоло Нисо сурасида марҳамат қилади:

﴿أَيُّمَنَّاكُمْ مَلَائِكَةٌ وَمَا أَلْسِنَتُهُمْ وَأَبْنُ بِالْجَنُوبِ وَالصَّاحِبِ الْجُنُبِ وَالْجَارِ الْقُرْبِيِّ ذِي الْجَارِ وَالْمَسْكِينِ وَالْيَتِيمِ الْقُرْبِيِّ وَيَذَى إِحْسَانًا وَالْوَالِدَيْنِ

«Ота-онага, яқин қариндошга, етимларга, мискинларга, яқин қўшнига, ён қўшнига, ёндаги соҳибга, йўқсил йўлчига ва қўлингизда мулк бўлганларга яхшилик қилинглар» (36-оят).

Бу ояти каримада Аллоҳ таоло бир неча тоифа одамларга, жумладан, яқин қўшнилари ва ён қўшниларига яхшилик қилишга амр қилмоқда. Тафсиричи уламоларимиз ояти каримада зикр қилинган «яқин қўшни»ни қариндош қўшни, яъни яқинлиги бор қўшни, «ён қўшни»ни эса оддий, яқинлиги йўқ қўшни, деб тушунтиришган.

Қўшнига яхшилик қилиш ҳақидаги исломий таълимотлар ҳам дунёда мисли кўрилмаган таълимотдир. Инсон боласи ўз кундалик ҳаётида, истайдими-истамайдами, доимий равишда алоқада бўлиб турадиган тоифалардан бири қўшнилари дир. Киши ҳаётининг осойишталиги, бахти, қувончи кўпинча қўшни ила кечадиган алоқаларига ҳам боғлиқ бўлади.

Агар Аллоҳ таоло бандага яхши қўшни ато қилса, кўпгина хайр-яхшиликларга сабаб бўлади. Аксинча, ёмон қўшнидан турли ёмонликлар кутилишининг ўзи турмуш ҳаловати ва осойишталигини кетказади.

Ушбу ва шунга ўхшаш бошқа мулоҳазалар асосида Исломда қўшничилик алоқасига алоҳида эътибор берилган. Қўшнининг ҳаққи юқори кўтарилган. Унга яхшилик қилиш ҳақида кўплаб тавсиялар берилган.

أَهْنَعُ هَلَلًا يَضَرَّ شِئَاءُ نَع
هُيَلَعُ هَلَلًا يَلْصُقُ بِنَلَا نَع
لِيَرْبِحَ لَأَزَامَ لَأَقَمَّ لَسَو
يُتَحَرَّجُ لِبَابِ يَنْيَصُوي
هَاورُ هُتْرُويَسُ هُنَّ تَنْنَظ

عَبْرَةُ الرَّأْلِ

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Жаброил менга қўшни ҳақида шу қадар кўп тавсия бердики, уни меросга ҳам шерик қилармикан, деб ўйлаб қолдим», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

نَعَّيْ عَازُخُ لِإِخِي رُشِي بَأُ نَع
هَيْلَعُ هَلَلِ إِيْلَصِي بِنَلِ
نُمُؤِي نَأَكُ نَمَ: لَأَقَمَلَسَو
رَخَالِ مَوِيْلِ أَوِ هَلَلِ اب
هَأَوْرِي رَاجِ إِيْلِ نَسْخِي لَفِ
بَدَالِ إِيْفِي رَأْخُ بَلِ

Абу Шурайх Хузоъийдан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, қўшнисига яхшилик қилсин», дедилар».

Бухорий «Адабул-муфрад»да ривоят қилган.

Қўшнисига яхшилик қилиш Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирган кишининг сифати, белгиси, аломати экан. Ким Аллоҳга иймон келтирган

бўлса, қиёмат кунидан умидвор бўлса, қўшнисига яхшилик қилиши лозим экан.

Бу ҳамда шунга ўхшаш жойларда Аллоҳга ва қиёмат кунига иймонни зикр қилиш ушбу ишларга тарғиб нақадар аҳамиятли эканини таъкидлаш учундир. Аллоҳга бўлган иймон кишиларни доимо У Зотга муҳаббат ила итоат қилишга чорлайди. Охиратга бўлган иймон эса савоб ва гуноҳларимизни эслаб туришнинг асосидир. Кимнинг охиратга иймони бўлса, яхшилик қилади ва ёмонликдан қайтади. Демак, Аллоҳга ва охиратга иймон қўшнисига яхшилик қилишни, ҳатто ундан етган озорларга сабр қилишни тақозо этади.

«Ижтимоий одоблар» китоби асосида тайёрланди